

Бағдод тумани ҳокимлигининг расмий муносабати

Ижтимоий тармоқларда “Амалдаги раисни туман ҳокимиияти томонидан турли үйинлар қилиб ассоцис равишда чиқариб юборишиді, шунга қонуний чора күрадиганлар борми?” сарлавҳаси остида тарқатилган мурожаат юзасидан Бағдод тумани ҳокимлиги қуидагиларни маълум қиласи:

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бағдод туманида ҳам 16-28 май кунлари Маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилди. Юқоридаги мурожаатда туманнинг “Чекмирзаобод” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайловда МФЙнинг аввалги раиси Р.Эрматовнинг номзоди қўйилмаганига эътиroz билдирилган.

Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссия раиси И.Ахмедовнинг маълум қилишича, “Чекмирзаобод” МФЙ туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши оғир бўлгани, жиноятчилиги ошгани ва оқибатда “қизил” тоифали худудлардан бири бўлгани сабабли МФЙнинг собиқ раиси Р.Эрматовнинг номзоди сайловда қатнашиш учун туман ҳокими ва кўмаклашувчи комиссия раиси томонидан тавсия этилмаган.

Ушбу важларни асословчи рақамлар туман комиссиясида мавжуд.

2022-06-06 17:04:16